



## КОГНИТИВ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА “КОНЦЕПТ” АТАМАСИНИ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

**Алимова Шахноза Яхшибоевна**

*Термиз давлат педагогика институти  
ўқитувчиси, тадқиқотчи.*

**Аннотация:** Ушбу мақолада муаллиф ўзбек тилишунослигида лингвамаданият ва “Концепт” атамасининг ўрганилиши даражаси, унинг бугунги кундаги ҳолати, муаммолари ҳақида ўз илмий қарашлари билан ўртоқлашган.

**Калим сўзлар:** ўзбек тилишунослиги, “концепт” атамаси, лингвокультура, логоэпистема, мифологема, тафаккур, когнитив тилишунослик, лингвистик воситалар, лисоний бирлик.

**Аннотация:** В данной статье автор поделилась своими научными взглядами на уровень изученности термина «Концепт» в узбекском языкознании, его современное состояние и проблемы.

**Ключевые слова:** узбекское языкознание, термин «концепт», лингвокультура, логоэпистема, мифологема, мышление, когнитивная лингвистика, лингвистические средства, языковое единство.

**Abstract:** In this article, the author shared his scientific views on the level of study of the term "Concept" in Uzbek linguistics, its current status and problems.

**Key words:** Uzbek linguistics, the term "concept", linguo-culture, logoevistema, mythologeme, thinking, cognitive linguistics, linguistic tools, linguistic unity.

Маълумки, “концепт” атамаси ўтган асрнинг 90 – йилларидан бери тилшуносликда кенг қўлланилиб келинаётган бўлса-да, концепт тушунчаси борасида ҳозирга қадар яхлит бир умумий изоҳ ёки талқинга тўхталмаган.

"Концепт" атамаси ва унинг аналоглари "лингвокультурема", "логоэпистема", "мифологема", "ноэма"лар ўзбек тилишунослигида сўнгги йилларда фаол қўлланила бошланди.[1]

Концепт структурасини тавсифлашнинг мураккаблиги ҳиссиётларнинг тез ўзгариши ва олдиндан айтиб бўлмаслиги, ҳиссий тажриба, менталитетда акс этиш жараёнининг назорат қилиб бўлмаслиги, идрокнинг эмоционаллиги билан боғлиқ. Билимларни концептуаллаштириш муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар концепцияни аниқ белгиланган тузилишга эга деб ҳисоблайдилар ва концепт шахс онгида маъно тузилишини акс эттирувчи борлиқнинг динамик модели сифатида тақдим этишга ҳаракат қиладилар.





Ҳозирги вақтда "концепция" атамаси когнитив тилшуносликда энг кўп ишлатиладиган асосий тушунча сифатида ўзини намоён қилмоқда. Концепт - бу тафаккурда муҳрланган асосий тушунчалардир.[2] Концепт концепт билан ифодалаш муносабатида бўлган маълум лингвистик воситалар тўпламини ажратиб кўрсатиш учун асос бўлиб хизмат қилади.[3] Концепт – (лот. - англаш, идрок этиш) бу нутқий бирликлар орқали нарсаларнинг маъноларини “идрок этиш” жараёнидир.[4]

"Концепция" атамаси асос вазифасини бажариб, бир нечта илмий йўналишларнинг предметини қамраб олади. Биринчи навбатда, тафаккур ва англаш, ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш каби муаммоларни тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи когнитив психология ва когнитив тилшуносликни ўз ичига олади. Концепт ҳиссий образ кўринишида, шаклланишида янги тус олади. Концепт шаклланиш жараёнида янги концептуал белгиларга эга бўлиб боради ва асосий предмет ҳақидаги барча коммуникатив аҳамиятга эга маълумотларни ўз ичига олган белгилар концептни шакллантиради. Айтиш мумкинки, бу борадаги тадқиқотларда бу ментал ҳодисаларнинг тарқоқлиги ва узлуксизлигига эътибор қаратилган.

Ўзбек тилшунослигида “концепт” атама сифатида 1990 - йиллардан бошлаб тадқиқ қилинмоқда. Мазкур йўналиш бўйича юртимизда ҳам тадқиқот ишлари кўлами ортмоқда. Бу борада Ш.Сафаров, Н.Маҳмудов, Т.Мардиев, Э.Маматов, Ў.Носиров, М.Раҳматова, Ў.Юсупов, Г.М.Ҳошимов, Ж.Қорабоев, каби олимларнинг тадқиқотлари диққатга сазоворлигини алоҳида эътироф этиш зарур.

Ҳозирги кунга қадар тилшунос олимлар томонидан “концепт” тушунчасига аниқ бир таъриф берилган эмас. Атоқли тилшунос олим Ш.Сафаров концепт ҳақида фикр юритар экан, бу саволнинг баҳс-мунозарали эканлигига эътибор қаратади. Бу борада олим фикрларини давом эттириб: «Билиш жараёнида ҳосил бўлган ментал тузилма – концепт мазмунида айнан шу турдаги равшан ва аниқ кўринишга эга бўлган белги - хусусиятлар ўрин олади ҳамда концептнинг лисоний воқеланишида худди шу хусусиятлар етакчилик қилади.... концептнинг лисоний моддийлашуви онг ва тил тизими ўртасидаги ҳамкорликнинг маҳсулидир. Концепт ҳам тафаккур бирлиги ва унинг асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади. Концептнинг





шаклланиши индивидуал образ туғилишидан бошланиб, лисоний бирликнинг пайдо бўлиши билан тугайди» - деган фикрларни айтиб ўтади.[5]

Тилшунос олим Ў.Қ.Юсупов концепт ҳақида фикр юритар экан, уни шундай таърифлайди: “Концепт – ташқи ёки ички дунёдаги бирор бир нарса ёки ҳодиса ҳақидаги онгимиздаги билимлар мажмуаси, у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий, нейтрал муносабатлар, яъни баҳолашлардир. Концепт билан тушунчани айсбергга ўхшатиш мумкин. Агар концепт айсберг бўлса, унинг сувдан чиқиб турган қисми тушунчадир”.

Д.У.Ашурова эса концептни мантиқий, миллий хусусиятга эга бўлган бир ҳодиса сифатида талқин қилиб, шу концептнинг негизини айнан шу ўрганилаётган предмет ёки ҳодиса ҳақидаги билим ташкил қилса, ифодаланишини эса тил воситалари (лексик, фразеологик, парамеологик ва ҳ.к) нинг мутаносиблиги ташкил қилишини айтади. Атоқли тилшунос, профессор Ғ.М.Ҳошимов концептга қуйидагича таъриф беради: “Концепт, бу – тафаккурда кечувчи бири – бири билан чамбарчас боғлиқ нафақат икки муҳим жараён (концептуализация (концептуаллаштириш) ва категоризация (категориялаштириш) нинг натижаси бўлиб саналади, балки унга қўшимча яна бир қатор муҳим (психологизация, когнитизация, социологизация, (лингво) семантизация, социолектизация, стилизация (диалектизация, вариантзация ва идиолектизация каби) жараёнларнинг пировард натижасидир, ва у яхлит концептуал/когнитив семантика сифатида лингвистик семантиканинг когнитив асосини ташкил этади ҳамда унда тил бирлиги ўзининг семантик сифими билан боғлиқ ҳолда маълум даражада (қисман) акс этади”. Профессор концептни мураккаб идрокий воқелик, яъни тилда вербал (ва керак ҳолларда новербал) воситалар орқали воқелантирилувчи ҳодиса сифатида мураккаб ички ташкил этувчилардан иборат деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, у ўзига хос ташкил этувчиларни ўз ичига олган шажаравий таркибга эга ва тилда гапирувчилар ўртасида барча сўзловчилар томонидан белги(лар) орқали моддийлаштирилади ҳамда барчага умумий бўлган бир маъно сифатида қабул қилинади. Шундай қилиб маъно вербал белги орқали воқелантирилади, калитлаштирилади, кодлаштирилади, пароллаштирилади, меъёрлаштирилади.

Юқоридаги фикрларни ўрганиш натижасида шуни айтишимиз мумкинки, концепт тушунчаси бизнинг онгимизда кечадиган бир нечта жараёнларнинг





асосий натижасидир ва у когнитив тилшуносликда чуқур ўрганишни тақозо этадиган бирликдир.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хошимов Ғ.М. / К теории концептов и их таксономики в когнитивной лингвистике / Ғ. М. Хошимов // Систем-структур тилшунослик муаммолари: филология фанлари доктори, проф. Н. К.Турниёзов таваллудининг 70-йиллигига бағишланган Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Самарканд, 2010.; Сафаров, Ш. Когнитив тилшунослик / Ш. Сафаров. – Жиззах: «Сангзор» нашриёти, 2006.; Маматов, А. Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / А. Э. Маматов // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А. Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман материаллари). – Андижон, 2012.; Юсупов, Ў. Қ. Концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида / У. К. Юсупов // Қиёсий-чоғиштира, типологик ва умумий тилшуносликнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон: Жаҳон интер принт, 2010.; Юсупов, Ў. Қ. / Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // У. К. Юсупов // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011.; Қорабоев Ж. Б. / Инглиз тилидаги «муболоға» концептини воқеалантирувчи фразеологик бирликларни ўзбек тилига ўгириш муаммолари // Ж. Б. Қорабоев // Маданиятлараро ва илмий-техник алоқаларда таржиманинг ўрни ҳамда роли: Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – НамДУ, 2014.; Носиров Ў.Т. / Рус ва ўзбек тиллари дунё лингвистик манзарасида “Йил фасллари” концептосферасининг акс эттирилиши // фил.ф.д.(PhD) диссер. – Бухоро, 2022 йил, - 154 бет.
2. Лакофф Дж. / Когнитивное моделирование: (Из книги «Женщины, огонь и опасные предметы») // Дж. Лакофф // Язык и интеллект. – М., 1995. – С. 143 – 184.
3. Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка / Д.С. Лихачев // Известия АН СССР. – Серия литературы и языка. – 1993. – Т. 52. – Вып. 1. - №1. – С. 3 – 9.
4. Рудакова А.В. Экспериментальное изучение концепта «быт» в русском языковом сознании / А.В. Рудакова // Культура общения и ее формирование. – Вып. 8. – Воронеж, 2000. – С. 88 – 94.
5. Сафаров.Ш. / Когнитив тилшунослик // “Сангзор” нашриёти, 2006, -Б. 17- 21.

